

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 75 (10.380)

2005 ЙИЛ 19 АПРЕЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Тошкент кимё технология институти қошидаги лицейда Аҳолига ижтимоий ёрдам бериш халқаро ташкилотининг Ёшлар маркази ташаббуси билан гиёвандликка қарши кураш масалаларига бағишлаб бир ойдан бери ўтказилаётган ўқув семинари нихоясига етди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетида Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва Халқаро ҳуқуқ кафедраси ташаббуси билан уюштирилган семинар-тренинг ҳуқуқшунос ўқитувчиларнинг дарс бериш методикаси масалаларига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** эстрада-цирк коллежида, 91-мактабда, "Туркистон" маҳалласида "Қамолот" ЕИХ Яққасарой туман Кенгаши томонидан ёшларга "Гиёвандлик — келажак кушандаси" деб номланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 274-мактабда ўқувчилар иштирокида "ОИТС-умр заволи" мавзuida ўтказилган ўқув семинари "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлигида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши қошидаги "Посбон" маркази ташаббуси билан уюштирилган йиғилиш маҳаллаларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланди.


● **МИРОБОД** туманида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан мактабга чарбия муассасалари тарбиячилари иштирокида "Йил тарбиячиси-2005" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университети раҳбарияти томонидан билимга чанқоқ талабалар учун яна бир қулайлик яратилди. Эндilikда университетнинг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган интернет хонаси тунда ҳам фаолият кўрсатади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Тошкент вагонларни таъмирлаш корхонасининг филдиракларни таъмирловчи тажрибали чилангари Абдушариф Имомов иш устида

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

18 апрель кунни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов бошқарди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш учун тавсия этилаётган масалаларга оид таклифларни кўриб чиқди. Йиғилишда Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари М.Сафоёва, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов, Демокра-

тик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов таклиф этилаётган масалалар юзасидан ахборот берди. Мазкур масалаларни Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритишни тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши ўз ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

(ЎЗА)

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА СПОРТ

Ўзбекистон олимпия шон-шухрати музейида «Хотин-қизлар ва спорт» мавзuidaги республика семинари якунланди. Ушбу тadbир Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Республика хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган эди.

Хотин-қизлар, ўсиб келаётган авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг устувор йўналишлари ҳисобланади. Бу муҳим ҳужжатни амалга ошириш учун давлат, ноҳукумат, жамоат ташкилотлари турли тadbирларни ўтказмоқда.

Мазкур семинар ҳам бунга бир мисол бўлиб, унда хотин-қизлар

қўмиталари, маҳаллалар, спорт федерациялари вакиллари иштирок этди.

Семинар қатнашчилари «Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини ривожлантиришда хотин-қизларнинг роли. Миллий спорт федерациялари раҳбар ва ишчи органларида хотин-қизлар иштироки динамикасининг таҳлили», «Спорт аёллар ва қизларнинг ҳордиқ чиқариши ва жисмоний ривожланиши воситаси сифатида», «Хотин-қизларнинг жисмоний тарбия

ва спортда иштирок этиши бўйича ахборот тизимини яратиш» каби мавзуларда маърузалар тинглади ва муҳокама қилди. Спортчи қизларни тайёрлаш сифатини оширишнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинди, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни танлаш ишларини тақомиллаштириш йўллари белгиланди. Семинар қатнашчилари Тошкент шаҳри спорт мажмуалари, соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан ҳам танишди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

XXI сағоси

Барча маълумотлардан олинган сўнги хабарлар

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Оксаройда Грузия Бош вазири Зураб Ногаиделини қабул қилди.

● Қорақалпоғистонда БМТнинг Ривожланиш дастури бўйича кишлоқ туманларидаги электр энергияси ишлаб чиқариш станцияларини янги асбоб-ускуналар билан таъмирлаш лойиҳасининг иккинчи босқичи бошланди.

● Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида пахта ёғини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Родник-Пахтачи» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолият бошлади. Бу ерда 60 киши иш билан таъминланди.

● Бобур номи Андиджон давлат университети қошида ноёб ботаника боғи вужудга келтирилди. Бу ерга ҳозирда Тошкент, Крим, Сочи, Дехли шаҳарларидан ҳамда Америка ва Африка қитъаларидан уруғлик ва кўчатлар келтирилмоқда.

● Навоий вилоятида Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган икки кунлик семинар-тренингда фермерлар маълумотларини оширди.

● Олтиариқ туманида фольклор-этнографик жамоаларининг аънавий вилоят кўрик-фестивалига якун асалди. Танлов иштирокчилари халқ оғзакчи ижоди қирралари, кўшиқ, лапар ва рақслар гулдастасининг ўзига хос кўринишларини намойиш этишди.

Жаҳонда

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши делегацияси Гаитида бўлиб, ушбу мамлакатда фаолият олиб бораётган тинчликпарвар кучлар ва мамлакатда ўтказилиши кутилаётган президентлик сайловига тайёргарлик ахлоли билан танишди.

● Россиянинг Красноярск ўлкаси, Эвенкия ва Таймирда бўлиб ўтган референдумнинг якунлари чиқарилди. Ушбу минтакалар тез орада Россиянинг бирлашган субъектлари бўладилар.

● Эквадорда ҳукуматнинг истеъфога чиқишини талаб қилган ҳолда амалга оширилган намойишлар полиция билан тўқнашув орқали якунланди. Норозилик намойишининг 30 нафар иштирокчиси ҳибсага олинди.

● Беларусия пойтахти Минск шаҳрида ўтказилган кутқарувчиларнинг халқаро турнирида 7 мамлакатдан келган қатнашчилар ўз касб маҳоратларини намойиш этишди.

Иқтисодиёт

ПЛАСТМАССА ҚУВУРЛАР

Бугунги кунда халқ ҳўжа-лигининг турли тармоқлари-да, асосан аҳолини сув ва газ билан таъминлашда қўлай, мустаҳкам ва энгил, сифат-ли ва рақобатбардош пластмасса қувурлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

«Шўртангаз» мажмуасининг ишга тушиши эса тадбиркорларимизга яна бир шароит яра-тиб, ана шундай маҳсулотлар-ни ўзимизнинг маҳаллий хом ашёдан тайёрлаш ва буюртма-чиларга етказиб бериш имко-нини туғдирди. Пойтахтимиз-да фаолият кўрсатаётган «SARQ-PLAST-SERVIS» масъу-лияти чекланган жамияти то-монидан тайёрланаётган пласт-масса қувурларнинг ҳам нархи бир мунча арзон ҳамда ўрна-тишга қўлайлиги буюртмачилар эътиборини жалб этмоқда. Яна энг муҳими, ушбу маҳсулотнинг 50 йил чидамлили хусусияти бор.

— Албатта, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳ-сулот ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлмайди, — дейди корхона раҳбари Сайфуддин Ибрагим-ов. — Шу боис ҳам аввало корхонамиз цехларини замо-навий Германия ускуналари билан жиҳозладик, ишчилари-ми малакасини оширдик, сиф-атга катта эътибор бердик. Натижада эса ўтган қисқа давр мобайнида буюртмачиларимиз сафи ортиб борди, ишлаб чи-қариш ҳажми ҳам шунга яраша кўпаймоқда.

Тадбиркорлар ҳозирда рес-публикамиздаги газ ва сув таъ-миноти бошқармалари билан ҳамкорликда ишламоқда. Буюртмага кўра пластмасса қувур-лар турини кўпайтиришга эри-шишмоқда.

ЎТГА ЧИДАМЛИ ПЛИТКАЛАР

«Осиё-замин» хусусий фирмаси тадбиркорлари-нинг изланишлари яқин кунларда ўз самарасини беради. Улар шу кунларда Россиядан келтириладиган хом ашё — корвалон ишлаб чиқаришини йўлга қўяди.

Бу муваффақиятнинг нати-жаси эса корхона ривож-и ҳамда маҳсулот ишлаб чиқари-ш ҳажмининг ортишида, тан-нархининг пайсаяшида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

10 йилдан зиёд фаолият кўрсатаётган хусусий корхона-да асосан ўтга чидамли маҳ-сулотлар ишлаб чиқарилиб, буюртмага кўра уларнинг тур-лари кўпайиб бормоқда. Буюртмачилар сафидан асосан чини ва сопол буюмлар иш-лаб чиқарувчи корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ўрин олган бўлиб, уларнинг талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда турли ўтга чидам-ли қолиплар ва бошқа маҳсу-лотлар тайёрланади.

— Агарда Россия Федера-циясидан келтириладиган хом ашёни ўзимизда тайёрласак, республикамиздаги барча буюртмачиларимизни ўтга чи-дамли маҳсулотлар билан таъ-минлаш имкониятини яратам-из, — дейди хусусий фирма раҳбари И.Аббосов. — Шу-нингдек, ҳозирда 15 та одам-ни иш билан таъминлаган бўлсак, яна қўшимча ишчи ўринлари яратишга муваффақ бўламиз, маҳсулот турлари ҳам ортади. Муҳими эса мам-лакатимиз иқтисодиёти ривож-ига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Шарофат БАХРОМОВА

БМТнинг республикамиздаги ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Хотин-қиз-лар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон делегаци-ясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хотин-қизлар аҳоли бўйича комиссия-сининг 49-сессиясида иштироки яқунлари муҳокама этилди. Унда Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилотлари раҳбарлари, мамлакатимизда фао-лият юритаётган қатор халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар элчихонала-ри вакиллари иштирок этди.

ТЕНГЛИК, РИВОЖЛАНИШ ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

БМТ Хотин-қизлар аҳоли бўйича комиссия-сининг 49-сессияси жорий йилнинг 28 февраль-11 мартда ушбу ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида бўлиб ўтди. 1995 йил Пекин-да ўтказилган Хотин-қизлар аҳоли бўйича IY жаҳон конференциясида қабул қилинган дас-турий ҳужжатларни амалга ошириш доирасида эришилган ўн йиллик тараққиётни шарҳлаш ва баҳолаш ушбу анжуман мавзуси бўлди. Унда хотин-қизларнинг нафақат иқтисодиёт, сиёсат, таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва имкониятларини кен-гайтириш борасидаги муваффақиятлар, балки уларнинг жамиятдаги мавқеини янада яхшилаш чора-тадбирлари ҳам кўриб чиқилди. Нодавлат ташкилотлар иштирокида қатор норасмий тад-бирларни ўтказиш халқаро анжуманининг ўзига хос хусусиятига айланди. Бу тадбирларда ген-дер тенглигини мустаҳкамлашга фуқаролик жам-ияти катта ҳисса қўйиши зарурлиги ҳақида га-пирилди.

Анжуманда мамлакатимиз делегациясининг Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳоли тўри-сидаги муаммолари катта қизиқиш билан тинглан-ди. Унда мустақилликнинг биринчи кунларида-ноқ хотин-қизларни ҳуқуқий, иқтисодий ва иж-тимоий ҳимоя қилиш, улар учун барча зарур шар-оитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб келаётгани таъкид-ланган. Республикамиз МДҲда биринчилардан бўлиб БМТнинг Аёлларга нисбатан камситиш-нинг барча шаклларига барҳам бериш тўғриси-даги конвенциясини ратификация қилди. Мам-лакатимизда Конституция ва қатор қонунлар бил-ан кафолатланган гендер тенглигини таъмин-лаш борасида салмоқли натижаларга эришил-ди. Республика ҳукумати хотин-қизларнинг бан-длик даражасини кўтариш, оналик ва болалик-ни муҳофаза қилиш, кўп болали, кам таъмин-ланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ йўналтирилган ишларни амалга оширмоқ-да. Мамлакатимизда Оила йили, Аёллар йили,

Она ва бола йили, Соғлом авлод йили муноса-бати билан қабул қилинган давлат дастурлари-нинг рўёбга чиқарилиши катта аҳамият касб этди. Бундай хайрли ишлар ҳозир, Сиҳат-саломатлик йилида ҳам давом эттирилмоқда. Президент Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбе-кистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу ишларга янги туртки берди.

Ўтган йил мамлакатимизда жамиятни янада демократлаштириш йўлида сезиларли ўзгариш-лар рўй бергани билан аҳамиятли бўлди. Ўзбе-кистоннинг анги, икки палатали парламентига бўлиб ўтган сайловлар буни яққол тасдиқлай-ди. Депутатликка номзодлар кўрсатишда хот-тин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилиши уларнинг парламентдаги иштирокини кенгайти-риш имконини берди.

Давра суҳбатда таъкидландики, Ўзбекистон БМТнинг хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган барча ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Президент Ислам Каримов айтганидек, аёллар оламини гўзал, меҳрли ва адо-латли қилиш учун яратилган. Бизнинг жамияти-мизда хотин-қизларнинг роли ортмоқда.

Улар мамлакатда амалга оширилаётган ис-лохотларда фаол иштирок этмоқда, иқтисодиёт, илм-фан, маданият каби қўллаб соҳаларда са-марали меҳнат қилмоқда. Улар орасида кўпги-на жамоат арбоблари, корхоналар раҳбарлари бор. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг турли мамлакатлар нодавлат хотин-қизлар таш-килотлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкор-лигининг кенгайтирилиши ҳам мазкур вазифа-ларни ҳал этишга қаратилган.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири ўринбо-сари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири

Маъин

КАФЕДРАЛАР ТЎЛА КОМПЬЮТЕРЛАШДИ

Тошкент Давлат техника универ-ситетида талабаларнинг компь-ютер саводхонлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Олий ўқув юртида таълим жараён-ларини компьютерлаштириш учун катта миқдорда маблағ ажратила-ётганини айтиб ўтиш жоиздир.

Ҳозир университетда 800 дан ортиқ «акл»ли машина ишлаб турибди. Улар сони яна янгилари ҳисобига ортди. «Пентийум-4» русумли компьют-ерлардан 140 таси ҳам таълим жараёни-га татбиқ этилди. Натижада 100га яқин кафедра замонавий техника билан таъминланди.

Бундай имкониятга эга бўлишда грант маблағларидан ҳам кенг фойда-ланилди. Турли йирик ташкилот ва му-ассасалар ҳам бу борада ўз амалий ёрдамларини аямалдор.

Анвар ВАЛИЕВ

Сатнам

ЯПОНЧА САҲНАВИЙ ТАЛҚИН

Атоқли адиб Саид Аҳмадининг «Келинлар кўзголини» комедияси бир неча тилларда намойиш қилин-моқда. Бу қувноқ асарининг японча саҳнавий талқини ҳам томошабин-ларга завқ-шавқ бахш этди.

Бу саҳнавий кўринишлар Ўзбеки-стон Давлат Жаҳон тиллари универси-тети Ёш истеъодлари клуби томони-дан тайёрланди. Мазкур постановка япон тили бўйича ўтказилган навбат-даги танлов дастуридан ўрин олди.

Инсон ресурсларини ривожланти-риш ўзбек-япон маркази томонидан нотиклик санъати бўйича уюштирил-ган ушбу иккунлик кўриқда талабалар-нинг бу изланишлари яхши баҳолан-ди. Япониянинг Ўзбекистондаги элчи-хонаси ҳам талабалар ижрочилиги ма-ҳоратини муносиб тақдирлади.

(Ўз муҳбиримиз)

Иқтисодиёт

ЗАМОНАВИЙ МАҲСУЛОТЛАР

ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИНГ ОШИШИДА МУҲИМ ОМИЛ

«Фотон» акциядорлик жамияти мамлакат-имиздаги энг йирик электрон техник асбоб-ус-куналар ишлаб чиқарувчи, юқори салоҳиятга эга бўлган корхонадир.

Ҳозирда корхонада янги русумдаги оқ-қора рангли замонавий телевизорлар ишлаб чиқари-ш йўлга қўйилмоқда. Ушбу харидордирг теле-визорлар корхона цехларига ўрнатилган Япо-ниянинг «SONI» линиясида ишлаб чиқарилади.

Жамоада кўёш энергияси ёрдамида ишлов-чи фотоэлектрон станциялар ҳам ишлаб чиқари-лмоқда. Бу электр токи узатилмаган жойда ўтга қўлайдир. Энергияни 7-10 бараварга тежай-

диган электрон лампалар, кўчаларда ёритиш чи-роқларининг ишлаш муддатини 15 баробарга узайтириш учун автоматик ўчириб-ёқадиган ус-куналар ҳамда мактаб ва лицей, олий ўқув му-ассасалари, мактаб ва коллежаларга мўлжаллаб физика конунларини тафсиловчи стендлар иш-лаб чиқарилаётгани ҳам изланишлар самара-сидир.

Ҳозирда Россия Федерациясига 110 хилдан



Транспорт

КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

3-трамвай-троллейбус депосининг мажлис залида «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик ком-панияси ва «Тошшаҳарюктранс» уюшмаси корхоналарининг 2005 йил 1-чорак иш якунлари ҳамда шаҳар йўловчи ва юк ташиш транспорти фаолиятининг келгусидаги вазифаларини белгилашга ба-ғишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 мартдаги Фармойишига асосан юртимизда 1 апрелдан 1 майгача давом этаётган «Ҳаракат хавфсизлиги ойл-и» мобайнида компания корхоналари жамоаларининг пойтахтимиз йўлларида ҳаракатланиш хавф-сизлигини таъминлаш борасида бажарайтган ишлари ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Тош-шаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Шо-мурод Муҳамеджонов компания тасарруфидаги корхоналар жамо-аси жорий йилнинг 1-чорагида йўловчи ташиш режасини 101,7 фоизга бажарганлиги, яъни 157,6 миллион нафар йўловчилар қўзланган манзилларга бехатар етказилганини алоҳида таъкидла-ди. «Тошшаҳарйўловчитранс» ак-циядорлик компанияси тасарруфи-даги корхоналар жамоаси йўна-лишларда йўловчилар ташиш ре-

жасини яхлит олганда 1-чорақда 100,0 фоизга — автобусларда 100,1 фоиз (2,0 минг нафар йўлов-чи), трамвайларда 99,2 фоиз (25,0 минг нафар йўловчи), троллейбус-лар мажмуаси 99,4 фоизга (5,8 минг нафар йўловчи), метрополи-тенда 100,2 фоиз (20,2 минг на-фар йўловчи)га бажаришга эриш-дилар.

Шунингдек, йиғилишда «Тош-шаҳарюктранс» уюшмаси корхона-ларининг 2005 йил 1-чорақдаги иш якунлари ҳамда уюшма раҳбари Азим Исамуҳамедов ҳисобот бе-

ортиқ зиёд транзистор, микросхема етказиб берилмоқда. Жорий йилда экспорт ҳажмини ошириш кўзда тутилган.

Азиз РАҲМатов

СУРАТЛАРДА: илгор ишчилар Шамил Мамедов ва Отабек Норпўлатов; теле-визор ишлаб чиқариш цехида.

Ҳакимжон Солихов
олган суратлар.

даги қурилиш объектлари, пойтах-тимизнинг барча туманларида уюшқонлик билан олиб борилаёт-ган ободонлаштириш ишларида транспорт хизмати кўрсатиб кел-дилар ҳамда ушбу ишлар ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ху-сусий автомобилларга ёнлиги қўйиш шохобчалари уюшмаса-га «Тошбирхусусий автомобилларга ёнлиги қўйиш тармоғи»нинг раҳ-бари Рустам Орипов, «Ҳаракат хав-фсизлиги ойлми» бориши ҳақида шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавф-сизлиги бошқармасининг боши-лиги, подполковник Собиржон Ирисбековлар сўзга чиқдилар. Улар соҳаларида эришилган ютуқ, йўл қўйилган камчиликларга ба-тафсил тўхтадилар.

Йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб, келгу-сига тегишли вазифалар қўйилди ҳамда уларни амалга ошириш учун аниқ чора-тадбирлар белги-ланди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Саҳна

ЗАМОНАВИЙ
РАКС ДАСТУРИ

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Виктор Гюго номидаги француз маданияти маркази билан биргаликда кизиқарли маданий тадбирларни тез-тез ўтказиб келмоқда. Француз артистлари томонидан постановка қилинган хореографик сахна асарини пойтахт томошабинларига тақдим этишда ҳам бу ҳамкорлик кўл келди.

Гап шундаки, француз ракс санъати усталари тайёрлаган «Навбат» деб номланган постановкада асосан икки актёр қатнашади. Замонавий ракс дастуридан иборат бу спектакл Аббор Ҳидоятлов номидаги театр сахнасида намойиш қилинди.

Постановка кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Келгусида бундай қизиқарли томошаларни ташкил этиш кўзда тутилди.

БАҲОР
ТАРОВАТИ

«Ўзбекистоннинг ёш истеъодлари» камер оркестрининг ижрочилик маҳорати ортиб бормоқда. Умидли ёш созандалар томонидан тайёрланаётган концертлар мавзу жиҳатидан ҳам ранг-баранг бўлмоқда.

Оркестрнинг бадиий раҳбари ва дирижёри Муборак Лутфуллаев ташаббуси билан янги тайёрланган навбатдаги мусиқали дастур ҳам тингловчиларга манзур бўлди. Ўзбекистон Давлат консерваториясининг орган концерт залида намойиш қилинган бу томошада мумтоз мусиқа асарлари ҳам ижро этилди.

Шу кунларда ижодий жамоа яна бир концерт устида кизгин иш олиб бормоқда. Унда мусиқа шинавандаларига баҳор тароватини мадҳ этувчи камер асарлари тақдим этилади.

“КИЧИК
САҲНА”
УСТАЛАРИ
ИЗЛАНИШДА

Республика кўғирчоқ театри ўз мухлисларини мамнун этиш йўлида самарали ижодий изланишлар олиб бормоқда. Ана шу саъй-ҳаракат натижаси ўлароқ сахна юзини кўраётган спектакллар томошабинларда яхши таассуротлар қолдирмоқда.

Айни вақтда кўғирчоқ театри санъати имкониятларидан фойдаланиб, ўзига хос сахна кўринишлари юзага келмоқда. Шу ўринда катталарга мўлжалланган постановкаларни ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Гарчи, «кичик сахна» усталари болаларга бағишланган асарларни кўрсатишга асосий эътиборни қаратаётган бўлса-да, ота-оналарга мўлжалланган спектакллар ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирмоқда. Ана шу мақсадда театр «Меҳрдан яралди олам» деб номланган спектаклни тайёрлашга киришди. Янги постановкада дунёнинг, гўзалликнинг, меҳр-мухаббатнинг яралишида инсонларнинг тутган ўрни тараннум қилинади.

Акбар АЛИЕВ

— Боланинг яхши-ёмони йўқ, уларнинг барчасига бирдай, чинакам эътибор зарур, — дейди пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Шафақ-текстиль» кўшма корхонаси бош директори Одил Окчакора. — Шу боис ҳам биз жажжи кичкинтойларга ўз меҳнатимиз билан шодлик улашишга, ота-оналарга эса қулайлик яратишга ҳаракат қилаёلمиз. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш ўринлики, кўшма корхонамизда замонавий технологи; ялардан фойдаланиб тайёрланаётган маҳсулотлар — болалар кийим-кечаклари хорижники билан ҳар томонлама рақобатлаша олади. «Ўзбекистонда тайёрланган» «Шафақ-текстиль» ёрлиқи ушбу бежирим либослар ҳар бир хонадонда чақалоқнинг дунёга келишидан бошлаб кўл келади. Энг муҳими эса кичкинтойнинг соғ-саломат ўсиши ҳисобга олиниб 100 фоиз пахтадан тайёрланади.

Кўшма корхонанинг фаолият кўрсатаётганига эндигина 1,5 йил бўлсада, ички бозорда ўз харидорини топган, десак асло муболага бўлмайдими. Бунинг учун эса аввало ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида пухта замин ҳозирланди. Каровсиз бино сотиб олиниб, таъмирланди. Шериклар, яъни Туркиянинг болалар ва катталар либослари тайёрлашда танилган «Шафақ-текстиль» фирмаси томонидан юксак унумли бичиш-тиқиш ускуналари келтирилди. Малакали кадрларни танлаш ва уларга хунар сирларини ўргатишда эса Ўзбекистондан корхона таъсисчиси саналган, тўқимачилик соҳасида тажриба тўплаган тадбиркор Рокья Хабиалиеванинг хизматларини таъкидлаш ўринли. Корхонанинг ташкил топиши натижасида 50 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

— Айни пайтда эндигина туғилган чақалоқларга йўлқадан тортиб уларнинг уч ёш бўлгунларига қадар киядиган либосларини янги моделларда ишлаб чиқаришга муваффақ бўляёلمиз, — дейди корхона раҳбари Рокья Хабиалиева. — Барча маҳсулотларимиз дизайнини бош директоримизнинг ўзлари яратадилар. Албатта,

бунда бозорни ўрганиш, харидор дид ва эҳтиёжини ҳисобга олиш биринчи

ди. Айниқса, маҳсулот чиройини таъминлайдиган бўёқларнинг айнамаслиги,

Кўшма корхоналарда

ЛИБОСЛАРДА БОЛАЛАРГА
МЕҲР МУЖАССАМ

Дунёда боладан-да азиз, боладан-да ширин мавжудот бормикан? Уларнинг қулиб турган кўзлари, ўзларига ярашиқли қилиқлари, бийрон-бийрон сўзлари дилларимизга завқ солиши, бир олам бахт туйғусини ато этиши, шубҳасиз. Шу боис ҳам ота-она борки, барча яхши нарсаларни фарзанду аржумандига иланиди, кулса қулиб, юрса-юради, унга қараб бахтдан масрур бўладиган онларга нима етсин!



ўринда туради. Қисқа вақт ичида 65 хил моделда болалар кийим-кечакларини яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этдик. Уларнинг барчасини ўз фирма дўконимиз ҳамда пойтахтимиздаги 100 дан зиёд савдо шохобчалари орқали харидорларга етказиб берамиз. Чеварларимиз учун эса барча шарт-шароитлар яратилган.

Энг асосийси кўшма корхонада текилаётган кийим-кечаклар учун сифатли хом ашё Туркиядан келтирила-

яъни ранги чиқмаслиги, ювиш ва дазмоллаш вақтида ўз ҳолатини йўқотмаслиги ҳар қандай нозиктаб харидор талабини қондиради. Бир сўз билан айтганда, тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб бериб, ёш болалар соғлиғига ҳам зиён етказмайди. Улар нафақат кўрениши, чиройли дизайни, қулайлиги билан, балки экологик тозаллиги билан ҳам ажрالیб туради. Ҳар бир маҳсулот ўзига хос тар-

ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ
КАТТА ОМИЛ

Барча ҳўжалик юритувчи субъектлар мавжуд валюта маблағларидан фойдаланишда энг аввало уларни тўғри ҳисобга олишлари жуда зарур. Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар ихтиёрида ликвид маблағлардан ҳисобланган хорижий маблағлар мавжуд. Улар ихтиёридаги валюта маблағлари эса корхонанинг келажақдаги иқтисодий аҳволини яхшилангани учун зарур бўлган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Валюта сиёсати валюта курслари тизимини танлаш ва валюта операциялари амалга ошириладиган курени белгилашдан иборатдир. Мамлакат ичида амалга ошириладиган валюта сиёсати, унда мавжуд бўлган маҳаллий валютада белгиланган нархлар ташқи бозорларда сотилиши мумкин бўлган товарлар (экспорт маҳсулотлари) ва ички бозор эҳтиёжлари (экспортга мўлжалланмаган товарлар)ни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган товарлар ўртасидаги нархлар нисбатига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ушбу сиёсат ички бозордаги нархларнинг умумий даражасига таъсир кўрсатади. Шу тўғрисида танланган валюта курслари тизими ва белгиланган валюта курси нархларини рағбатлантирувчи омил сифатида мамлакат иқтисодиётига кенг да-

ражада таъсир кўрсатади.

Валюта сиёсатини белгилашда мамлакат иқтисодиёти тузилмаси ва унда мавжуд тизимларнинг ўзига хос хусусиятига катта эътибор қаратилиши лозим. Шу тўғрисида жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда марказий банклар валюта курслари тартибининг қуйидаги турларидан фойдаланишади: қатъий белгилаб қўйилган валюта курси (ягона валюта ёки валюта саватчаси асосида аниқланади); талаб ва тақлиф таъсири остида сунъий (стихийли) равишда вужудга келадиган эркин сузиб юрвчи валюта курси; «погонали» валюта курси; кўп хилли валюта курслари тизими; иккиёқлама валюта курси.

Иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг босқичма-босқичлиги ва давомийлиги таъминлиги асосланиб,

зда ўралади. Ана шундай қадокланиши (ўрალიши) ҳам харидорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Корхонани ҳамкорликда ташкил этар эканмиз, асосий эзгу ниятимиз мустақил Ўзбекистон ички бозорини четдан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини босувчи болалар кийим-кечаклари билан таъминлаш, иқтисодиёт ривожига ҳисса қўриши баробарида кўшимча ишчи ўринларини яратиш эди, — дейди Одил Окчакора. — Шу ўринда айтиш лозимки, биз тайёрлаётган маҳсулот бирмунча арзон бўлишини кўзда тутишимиз. Лекин бу нарсага эришиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш бироз қийин кечмоқда. Бунинг асосий боиси ишлаб чиқарувчи ҳам, савдо билан шуғулланувчиларга ҳам божхона тўловлари бир хил. Шунинг учун ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларга четдан маҳсулот тайёрлаш учун келтираётган хом ашёга божхона тўловларини тўлашда имтиёз бериш керак, деб ўйлайман.

Келгусида корхона тадбиркорлари харидорлари сифатини ошириш учун 3 ёшдан 8 ёшгача бўлган ўғил-қизларга ҳам ярашиқли либослар тайёрлашни кўзда тутишлар. Шунингдек, тайёрланган янги модалага маҳсулотлар фақатгина ички бозорда эмас, балки хорижда ҳам харидорлиги бўлишига эришиш ниятлари бор. Шу боис ҳам рақобатбардос маҳсулотларни Германия ва Россияга экспорт қилиш режаланмоқда. Болаонлар дунёси билан изланаётган «Шафақ текстиль» чеварлари уларнинг чеҳраларидаги кундан-кунга мевагини куришни ният қилишган.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: тикувчи-лар Малоҳат Мамадалиева ва Дилором Тоировалар сифатга алоҳида эътибор беришади; кичкинтой учун яратилган ҳар бир либос корхона раҳбари Рокья Хабиалиева (ўртада)ни жамоа аҳли билан биргаликда қувонтиради.

Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар.

1997 йилдан бошлаб, биржадан ташқари валюта бозори нақд валюталар билан операциялар (валюта айирбошлаш шохобчалари орқали), шунингдек, халқ истеъмоли моллари импорт қилувчи корхоналарга валюталарни (ваколатли банклар орқали) сотиш бўйича операцияларни амалга ошира бошлади.

Шу даврда икки расмий айирбошлаш курси амал қилар эди:

1. Марказий банк курси. Бу курсдан ҳисобот юритиш ва божхона тўловларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида валюталарни сотиш бўйича операциялар ўтказишда фойдаланиларди.

2. Марказий банк курсига 12 фоиз маржа қўшилиб, биржадан ташқари валюта бозорида қўлланилган курс.

Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 июлдаги Фармони чиқишига қадар амалда бўлди. Фармонга мувофиқ, маржа бекор бўлди ва амалга биржадан ташқари айирбошлаш курси киритилди. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиёти, қолаверса валюта муносабатларининг таракқиёти учун катта аҳамият касб этади.

Замира ЮСУПОВА,

Тошкент Молия институти магистранти

Хозирда нефт-газ, энергетика, геология, кимё, геодезия ва давлат кадастри, фармацевтика саноатига қарашли 150 та бошланғич ва тўртта бирлашган касабга уюшма кўмиталарига нисбатан 105 та жамоа шартномаси татбиқ этилиб, улар орқали 38 миң нафардан зиёд меҳнаткашларнинг манфаатлари ҳимоя қилиб келинмоқда. Қабул қилинган жамоа шартномаларида ҳомиладор аёллар, баалоғат ёшига етмаган ўсмирлар, ногиронлар, фахрийлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Хисобот-сайлов даврида жамоа шартномаларининг ижросини шаҳар кўмитаси ўз раёсат мажлисида ва пленумида 12 марта муҳокамадан ўтказиб, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига доир қарорлар қабул қилинган. "Аёллар йили", "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Қарияларни қадрлаш йили", "Меҳр ва мурувват йили" дастурлари бўйича тадбирлар ўтказилганлиги ана шулар жумласидандир.

Тадбирлар ва жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун ўртача ҳисоблаганда 2000 йилда 102 миң сўм, 2001 йилда 174 миң сўм, 2002 йилда 269 миң сўм, 2003 йилда 418 миң сўм маблағ сарфланган. Жумладан, ҳар бир касабга уюшма аъзоси жамоа шартномаси ва тадбирлар орқали ҳар йили ўзининг йиллик аъзоллик бадалларига нисбатан 20-25 баробар кўп миқдорда моддий манфаат кўрган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, шаҳар кўмитаси тасарруфидаги 9 та қўшма корхоналарда меҳнат қилиб келаётган 3000 га яқин ходим-

ларга нисбатан жамоа шартномалари татбиқ этилган ва уларнинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Нодавлат сектори ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва меҳнатни муҳофаза қилишда шаҳар кўмитаси фаолиятининг самарадорлиги йилдан-йилга ошмоқда.

Шаҳар кўмитаси ва унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар жамиятини маданий-маънавий янгилашда юксак ахлоқийлик, шахсга ҳурматни, одамларга қадр-қиммат туйғусини ва жамият тараққиётининг асосини ташкил этувчи соғлом турмуш тарзининг қарор топишида муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Саховат халқимизга хос одат бўлиб, бу ўлмас қадрият касабга уюшма фаолиятида ўз урнига эга. Бу борада корхона ва ташкилотларда баҳолиқудрат ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2004 йилда корхона ва ташкилотлар томонидан маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган, кўп болали оилаларга байрам кунлари хайрия ёрдамлари кўрсатиб, уларнинг фарзандларини ўқув қуроллари, кийим-кечаклар билан таъминлаш учун корхоналар маъмурияти хисобидан 78 миллион сўмга яқин маблағ сарфланган.

Иш ҳақидан қарздорлик долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу боис, уни бартараф этиш ҳамда унга йўл қўймаслик бўйича касабга уюшмаси шаҳар кўмитаси ва корхоналар ҳамда ташкилотларнинг олиб бораётган ишлари ва жойларда ташкил қилинган доимий комиссиялар томонидан мунтазам равишда таҳлил ҳамда назорат қилиб борилиши таъминланган.

Гулбахор ХАКИМОВА, Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси

Давлат солиқ бошқармасида жамоа шартномасида белгиланганидек, ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш касабга уюшма кўмитасининг розилиги билан амалга оширилиши туғайли ўтган даврда 12 нафар ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш туғрисида берилган тақдимномалар ўрганиб чиқилиб, беш нафар ходимга нисбатан бошқа интизомий жазо чораларини қўллаш таклифи маъмуриятга киритилди ва ушбу таклифлар инобатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги қарорига асосан шаҳар солиқ идораларида ҳам 137 нафар штат бирлиги қисқартилди. Бу қисқартириш жараёнида Бирлашган касабга уюшма кўмитаси Меҳнат Кодекси ҳамда жамоа шартномасида белгиланган қўйилган тартибларга риоя қилган ҳолда 19 нафар кўп болали, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда ҳомиладор аёллар бўйича розилик бермай раҳбарият номига тақдимнома киритилиб, улар ишда қолдирилди.

Умумхалқ байрамларида Меҳри-

халқ байрамлари арафасида уруш ва меҳнат фахрийлари байрам тантаналарига таклиф этилиб серфайз дастурхонинг азиз меҳмони бўлмоқдалар, уларга байрам совғалари тақдим этилмоқда ва солиқ идораларида кўп йиллар меҳнат қилиб, вафот этган меҳнат фахрийларининг оилаларига моддий ёрдам бериш ташкил этилган.

Саломатлик — туман бойлик. Хисобот даври мобайнида йўлланмалар асосида шаҳар солиқ идоралари ходимларидан 227 нафари санаторийларда даволандилар, 326 нафар хо-

ХАЙРЛИ АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Бозор муносабатлари шароитида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва ҳимоя юридик ҳужжат — жамоа шартномаси асосида амалга оширилади. Тошкент шаҳар солиқ идоралари ходимлари Бирлашган касабга уюшма кўмитаси Давлат солиқ бошқармаси билан тузилган жамоа шартномасига асосан шаҳар солиқ идоралари ходимларининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида муайян ишларни олиб борди.

Бонлик уйларининг тарбияланувчилари, кўп болали, ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларнинг, меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларнинг ҳолидан хабар олинди, уларга баҳоли қудрат моддий ёрдам берилмоқда. Жумладан 23-Меҳрибонлик уйининг 25 нафар тарбияланувчилари янги йил байрами дастурхонининг азиз меҳмони бўлдилар. Курбон Хайити муносабати билан 22 нафар муҳтож оилаларнинг ҳар бири моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Фахрийлар — фахримиздир. Умум-

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилишни назорат этиш касабга уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Оператор ходимлардан янада эътиборлик, ишга катта масъулият билан ёндошишни талаб этади.

Маданият ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича но-зири Саид Алимов тадбирда сўзга чиқиб, тегишли кўрсатмалари берди ва ишга нисбатан масъулиятсизлик, лоқайдлик бахтсиз ҳодисаларга олиб келишини мисоллар орқали тусунтириб берди. Шунингдек, ҳар бир аттракционни ишлатишда тегишли кўрсатмаларни оператор ходим дам олувчиларга ту-

Фойдали мулоқот

Шунтириши, ширинсўзлиги, ўзбекча маданият, меҳмондўстлик каби гўзал миллий урф-одатларимизга риоя қилиш уларнинг фазилатига айланмоғи, одоб-ахлоқи, чиройли ташқи кўриниши билан барча ҳордиқ чиқарувчиларда яхши таассурот қолдириши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шубҳасиз, ушбу тадбир янги дам олиш мавсумини мазмуни ўттиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Маданият ва спорт ишлари бош бошқарма-

Спортнинг оммавийлигини ошириб

Меҳнат ахлининг фарзандларини соғломлаштириш, спортнинг оммавийлигини ошириш, халқор майдонларда Ватанимизнинг спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиш, бундан ташқари фарзандларини соғломлаштириш, спортнинг оммавийлигини ошириш, элимиз фарзандларининг спорт билан ошно бўлиши, соғлом турмуш тарзини ҳаётимиздан тобора мустаҳкам ўрни олиши учун асло куч-ғайратимизни аямаймиз.

Сайдмаҳмуд ЯХЪЁЕВ, Тошкент шаҳар касабга уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти кенгаши раиси

ИШ УНУМДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди. Ташкилотда 2004-2006 йиллар учун жамоа шартномаси янгида ишлаб чиқилиб, жамоянинг умумий йиғилишида қабул қилинган. Ушбу жамоа шартномасида бир қатор имтиёзлар белгиланган. Янги йил, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва Хотин-қизлар кунини муносабати билан моддий ёрдам бериш ҳамда ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш олишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Ходимларнинг сийҳат-саломатлиги ишининг унумдорлигига ҳам хизмат қилади. Жамоада бу борада қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ходимларнинг турмуш шароитлари инобатга олинган ҳолда уларга дам олиш уйлари, санаторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли равишда ҳамда бепул йўлланмалар берилган. Бетоб бўлган ходимларнинг "Сийҳат ва фароғат" таъшиқ марказида даволанишлари учун моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида кейинги вақтда тушилик овқатлашиш 50 фоиз имтиёзли ташкил этилиб, йўл ҳақи, озик-овқат маҳсулотларининг баҳоси ошганлиги сабабли қўшимча маблағ ҳар ойда берилмоқда. Шунингдек, ҳар йили серфайз шахримиздаги маданият ва

Мажбурият билан ҳамкорликда

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Бирлашган касабга уюшма кўмитаси ходимларининг саломаатликларини тиклашлари ҳамда меҳнат таътили пайтида мароғли дам олишлари учун ўтган даврда қатор тадбирларни амалга ошириб, 85 нафар ходим имтиёзли йўлланмалар билан шифо масканларида саламатликларини тикладилар.

Умид ИБРАГИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Бирлашган касабга уюшма кўмитасининг раиси

Ходимлар манфаатини ҳимоялаш — устувор йўналиш

Бундан ташқари ходимларни соғломлаштириш мақсадида қурилган «НБУ Старт» соғломлаштириш спорт мажмуасига банк ходимларидан 1674 нафар киши аъзо бўлиб, улар спорт билан мунтазам шугулланмоқдалар. Ушбу спорт мажмуасида олпига теннис корти, сув ҳавзаси, минн-футбол, баскетбол, волейбол, кўп тўпи, гольф майдончалари, шейпинг, аэробика, оғир ва енгил атлетика, тренажёр заллари, 12 миң томошабига мўлжалланган футбол майдони мавжуд бўлиб, банк ходимларига имтиёзли хизмат кўрсатмоқда. Ходимларнинг яхши дам олишлари учун ҳар шанба ва яқшанба кунларида «Чимбой» ва «Осуфхона» дам олиш оромгоҳларида оилавий хордиқ чиқаришлари уюштирилмоқда. Шунингдек, Бирлашган касабга уюшма кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг шифохона маркази билан биргаликда ходимларни профилактика курсидан ўтказишни, занонавий усуналар ёрдамида даволаш ва дори-дармонларни мунтазам равишда етказиб беришни йўлга қўйган.

Умид ИБРАГИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Бирлашган касабга уюшма кўмитасининг раиси



Меҳнат ва ўқув жамоаларида спорт-соғломлаштириш баҳслари қизгин давом этмоқда.

ИШ УНУМДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш инсонга эътибор кўрсатиш билан бирга корхонанинг ижтимоий жиҳатдан ривожланишига, меҳнат ахли моддий манфаатдорлигини кучайтиришига олиб келиб, бу касабга уюшмалари фаолиятининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди. Ташкилотда 2004-2006 йиллар учун жамоа шартномаси янгида ишлаб чиқилиб, жамоянинг умумий йиғилишида қабул қилинган. Ушбу жамоа шартномасида бир қатор имтиёзлар белгиланган. Янги йил, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва Хотин-қизлар кунини муносабати билан моддий ёрдам бериш ҳамда ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш олишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Ходимларнинг сийҳат-саломатлиги ишининг унумдорлигига ҳам хизмат қилади. Жамоада бу борада қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ходимларнинг турмуш шароитлари инобатга олинган ҳолда уларга дам олиш уйлари, санаторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли равишда ҳамда бепул йўлланмалар берилган. Бетоб бўлган ходимларнинг "Сийҳат ва фароғат" таъшиқ марказида даволанишлари учун моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида кейинги вақтда тушилик овқатлашиш 50 фоиз имтиёзли ташкил этилиб, йўл ҳақи, озик-овқат маҳсулотларининг баҳоси ошганлиги сабабли қўшимча маблағ ҳар ойда берилмоқда. Шунингдек, ҳар йили серфайз шахримиздаги маданият ва

ИШ УНУМДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш инсонга эътибор кўрсатиш билан бирга корхонанинг ижтимоий жиҳатдан ривожланишига, меҳнат ахли моддий манфаатдорлигини кучайтиришига олиб келиб, бу касабга уюшмалари фаолиятининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди. Ташкилотда 2004-2006 йиллар учун жамоа шартномаси янгида ишлаб чиқилиб, жамоянинг умумий йиғилишида қабул қилинган. Ушбу жамоа шартномасида бир қатор имтиёзлар белгиланган. Янги йил, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва Хотин-қизлар кунини муносабати билан моддий ёрдам бериш ҳамда ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш олишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Ходимларнинг сийҳат-саломатлиги ишининг унумдорлигига ҳам хизмат қилади. Жамоада бу борада қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ходимларнинг турмуш шароитлари инобатга олинган ҳолда уларга дам олиш уйлари, санаторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли равишда ҳамда бепул йўлланмалар берилган. Бетоб бўлган ходимларнинг "Сийҳат ва фароғат" таъшиқ марказида даволанишлари учун моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида кейинги вақтда тушилик овқатлашиш 50 фоиз имтиёзли ташкил этилиб, йўл ҳақи, озик-овқат маҳсулотларининг баҳоси ошганлиги сабабли қўшимча маблағ ҳар ойда берилмоқда. Шунингдек, ҳар йили серфайз шахримиздаги маданият ва

Эътибор ЗАКИРОВА, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги "Ўзэксомарказ" Республика савдо кўргазма маркази касабга уюшма кўмитасининг раиси

ИШ УНУМДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш инсонга эътибор кўрсатиш билан бирга корхонанинг ижтимоий жиҳатдан ривожланишига, меҳнат ахли моддий манфаатдорлигини кучайтиришига олиб келиб, бу касабга уюшмалари фаолиятининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди. Ташкилотда 2004-2006 йиллар учун жамоа шартномаси янгида ишлаб чиқилиб, жамоянинг умумий йиғилишида қабул қилинган. Ушбу жамоа шартномасида бир қатор имтиёзлар белгиланган. Янги йил, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва Хотин-қизлар кунини муносабати билан моддий ёрдам бериш ҳамда ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш олишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Ходимларнинг сийҳат-саломатлиги ишининг унумдорлигига ҳам хизмат қилади. Жамоада бу борада қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ходимларнинг турмуш шароитлари инобатга олинган ҳолда уларга дам олиш уйлари, санаторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли равишда ҳамда бепул йўлланмалар берилган. Бетоб бўлган ходимларнинг "Сийҳат ва фароғат" таъшиқ марказида даволанишлари учун моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида кейинги вақтда тушилик овқатлашиш 50 фоиз имтиёзли ташкил этилиб, йўл ҳақи, озик-овқат маҳсулотларининг баҳоси ошганлиги сабабли қўшимча маблағ ҳар ойда берилмоқда. Шунингдек, ҳар йили серфайз шахримиздаги маданият ва

Эътибор ЗАКИРОВА, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги "Ўзэксомарказ" Республика савдо кўргазма маркази касабга уюшма кўмитасининг раиси

ИШ УНУМДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш инсонга эътибор кўрсатиш билан бирга корхонанинг ижтимоий жиҳатдан ривожланишига, меҳнат ахли моддий манфаатдорлигини кучайтиришига олиб келиб, бу касабга уюшмалари фаолиятининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди. Ташкилотда 2004-2006 йиллар учун жамоа шартномаси янгида ишлаб чиқилиб, жамоянинг умумий йиғилишида қабул қилинган. Ушбу жамоа шартномасида бир қатор имтиёзлар белгиланган. Янги йил, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва Хотин-қизлар кунини муносабати билан моддий ёрдам бериш ҳамда ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш олишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Ходимларнинг сийҳат-саломатлиги ишининг унумдорлигига ҳам хизмат қилади. Жамоада бу борада қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ходимларнинг турмуш шароитлари инобатга олинган ҳолда уларга дам олиш уйлари, санаторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли равишда ҳамда бепул йўлланмалар берилган. Бетоб бўлган ходимларнинг "Сийҳат ва фароғат" таъшиқ марказида даволанишлари учун моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида кейинги вақтда тушилик овқатлашиш 50 фоиз имтиёзли ташкил этилиб, йўл ҳақи, озик-овқат маҳсулотларининг баҳоси ошганлиги сабабли қўшимча маблағ ҳар ойда берилмоқда. Шунингдек, ҳар йили серфайз шахримиздаги маданият ва

Эътибор ЗАКИРОВА, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги "Ўзэксомарказ" Республика савдо кўргазма маркази касабга уюшма кўмитасининг раиси

ИШ УНУМДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш инсонга эътибор кўрсатиш билан бирга корхонанинг ижтимоий жиҳатдан ривожланишига, меҳнат ахли моддий манфаатдорлигини кучайтиришига олиб келиб, бу касабга уюшмалари фаолиятининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди. Ташкилотда 2004-2006 йиллар учун жамоа шартномаси янгида ишлаб чиқилиб, жамоянинг умумий йиғилишида қабул қилинган. Ушбу жамоа шартномасида бир қатор имтиёзлар белгиланган. Янги йил, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва Хотин-қизлар кунини муносабати билан моддий ёрдам бериш ҳамда ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш олишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Ходимларнинг сийҳат-саломатлиги ишининг унумдорлигига ҳам хизмат қилади. Жамоада бу борада қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ходимларнинг турмуш шароитлари инобатга олинган ҳолда уларга дам олиш уйлари, санаторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли равишда ҳамда бепул йўлланмалар берилган. Бетоб бўлган ходимларнинг "Сийҳат ва фароғат" таъшиқ марказида даволанишлари учун моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида кейинги вақтда тушилик овқатлашиш 50 фоиз имтиёзли ташкил этилиб, йўл ҳақи, озик-овқат маҳсулотларининг баҳоси ошганлиги сабабли қўшимча маблағ ҳар ойда берилмоқда. Шунингдек, ҳар йили серфайз шахримиздаги маданият ва

Эътибор ЗАКИРОВА, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги "Ўзэксомарказ" Республика савдо кўргазма маркази касабга уюшма кўмитасининг раиси

ИШ УНУМДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш инсонга эътибор кўрсатиш билан бирга корхонанинг ижтимоий жиҳатдан ривожланишига, меҳнат ахли моддий манфаатдорлигини кучайтиришига олиб келиб, бу касабга уюшмалари фаолиятининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди. Ташкилотда 2004-2006 йиллар учун жамоа шартномаси янгида ишлаб чиқилиб, жамоянинг умумий йиғилишида қабул қилинган. Ушбу жамоа шартномасида бир қатор имтиёзлар белгиланган. Янги йил, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва Хотин-қизлар кунини муносабати билан моддий ёрдам бериш ҳамда ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш олишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Ходимларнинг сийҳат-саломатлиги ишининг унумдорлигига ҳам хизмат қилади. Жамоада бу борада қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ходимларнинг турмуш шароитлари инобатга олинган ҳолда уларга дам олиш уйлари, санаторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли равишда ҳамда бепул йўлланмалар берилган. Бетоб бўлган ходимларнинг "Сийҳат ва фароғат" таъшиқ марказида даволанишлари учун моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида кейинги вақтда тушилик овқатлашиш 50 фоиз имтиёзли ташкил этилиб, йўл ҳақи, озик-овқат маҳсулотларининг баҳоси ошганлиги сабабли қўшимча маблағ ҳар ойда берилмоқда. Шунингдек, ҳар йили серфайз шахримиздаги маданият ва

Эътибор ЗАКИРОВА, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги "Ўзэксомарказ" Республика савдо кўргазма маркази касабга уюшма кўмитасининг раиси

ИШ УНУМДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш инсонга эътибор кўрсатиш билан бирга корхонанинг ижтимоий жиҳатдан ривожланишига, меҳнат ахли моддий манфаатдорлигини кучайтиришига олиб келиб, бу касабга уюшмалари фаолиятининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди. Ташкилотда 2004-2006 йиллар учун жамоа шартномаси янгида ишлаб чиқилиб, жамоянинг умумий йиғилишида қабул қилинган. Ушбу жамоа шартномасида бир қатор имтиёзлар белгиланган. Янги йил, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва Хотин-қизлар кунини муносабати билан моддий ёрдам бериш ҳамда ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш олишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувват

Шарқ дурдоналари



● Меваларни ейишдан аввал ювиш керак. Чунки кўп жониворлар уларни ифлослантирган бўлади. Айниқса, узумни шундай қилиш кўпроқ таъкидланади. Ювиб эмаслик баъзида ўлимгача олиб боради. Овқатдан кейин кўл ва панжаларни ювиб, тозаламоқ зарурдир. Уй эгасининг қондаси шундайки, у овқатдан аввал кўлини ювиб, овқатдан сўнг энг охирида ювади. Утирганларнинг кўл ювишини чўзмаслик ва бошқаларни мунтазир қилиб қўймаслик зарур. Сувдан тезда кўл тортмоқлик керак, токи бошқаларга навабат тезроқ етди. Кўлни либосга артмаслик керак. Бу фаҳмсизлик аломатидир. Агар дастурумол бўлмаса кўлни юзга ёки соқолига суртмоқ керак.

● Тежамкор одам яхши ейди, яхши ичади, покиза кийинади, хушхаво ўйларда яшайди, кераксиз нарсаларни сотиб олавермайди, ҳақиқий зарур нарсаларини харид қилади. Бировларга қўлидан келганча ёрдам қилади. Яхшилик йўлидаги ишларга пулини аямайди, саховатли бўлади. Ватани ва халқи учун молини ҳам, пулини ҳам аямайди.

● Тежамкор киши пулини керагидан ортиқча сарфламайди. 10 сўмга олинмаган нарса учун ҳовлиқиб, 100 сўм сарф этмайди. Пулни фақат керакли нарсаларига сарфлайди. Хар бир ишда ўртача йўл тутмади.

● ХИКМАТ. Ҳинд ҳақимларининг киноя қилиб ёзишларида ўз мол-мулкларини яхшилик йўлида сарфламайдиган бахил кишилар «сахий» кишилардир. Чунки ўзлари емай, ҳаммасини ўзгалар учун қолдирадилар.

Китъа:
Туриб дарё лабида бутимор қуш,
Чекар дарё сувдан доимо ғам.
Ўзича ўйлагай ичсамми ё йўқ,
Агар ичсам бўлар дарё суви кам.
Дилида ҳиммати йўқ хар бахилнинг,
Шу қушга ўхшаган феълу иш ҳам.

Хирсининг ўткирлигидан нонини, ўз-ўзига кўрмағай лойиқ, укам!

● Хурматли устозим айтар эди: «Иллатнинг пайдо бўлишига тўрт нарса сабаб бўлади: ёмон сув, аччиқ тутун, бадбўй ҳид ва ҳазм бўлиши қийин қаттиқ емиш!»

● Хикмат аҳлларининг китобларида иллатни пайдо қилувчи нарса олтига дейилади: «Тунда кам ухлаш, кундузи кўп ухлаш, пешобни узок тутиш, тўқ қоринга яна овқат ейиш, кечаси совуқ сув ичиш ва ортиқча жинсий алоқа қилиш!».

● Одамзот кўп ейишни асло одат қилмаслиги керакки, ҳақиқатан ҳам кўп ейиш ҳайвонлар оdatидир. Хикмат қонун-қоидаси бўйича эса нмакбўлди. Демак, инсон овқат ейиш борасида ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Имкон борича кам ейиши, тўғри келган вақтда овқатланавермаслиги лозим. Ана шундай қилган киши табибга асло мутож бўлмайди.

Хар йилнинг ўзига хос қувонч ва ташвишлари, муҳим аниқликлари бўлади. Шу нуқта назардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, 1977 йил бутун Ўзбекистон аҳли, айниқса тошкентликлар учун қувончли йил бўлди, десак янглишмаймиз. Худди шу йили халқимиз узок ва орзиқиб кутган метро қурилишининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Амир Темуր хибёнони — Собир Раҳимов бекатлари бўйлаб энг қулай транспорт қатнови йўлга қўйилди. Албатта бу янглик «Оқшом» газеталари эътиборидан четда қолмади. Газета муҳбирлари мунтазам равишда бу ҳақда ўз мухлисларини хабардор этиб турдилар.

6 ноябрь кун Тошкент метрополитенининг дастлабки йўловчилари минг-минглаб чиқоқлар билан нурафшон мрамар ва гранитдан ясалган 9 та саройга ифтихор ҳисси билан қадам қўйилди. Энг яхши метросозлар, фойдаланувчилар, жамоатчилик намоёндалари, Ўзбекистон пойтахтининг ўқувчилари 6 та махсус поездга тушиб, бутун линия бўйлаб саяхатга чиқдиши. «Ер ости электррички» Тошкент шаҳрининг аҳоли зич бўлган жанубий, ғарбий туманларини пойтахтнинг маркази билан туташтирди. Транспортнинг энг тежорар ва қулай бу тури 12,2 километр масофани 19 дақиқа ичида босиб ўтди.

Метронинг биринчи навбати пойтахт аҳолиси учун ажойиб совға бўлди. Орадан уч кун ўтиб эса Тошкент метроси ўзининг биринчи йўловчиларини қабул қилди.

9 ноябрь. Эрталаб соат 6.30. Кўча ва хиёбонлар хали уйқуда. Ер ости қасрида эса ҳаёт аллақачон бошланган. Йўловчиларни ўтказадиган автоматик турникетлар, танга майдалагич автоматлар ишга туширилди. Станциялар навбатчилари платформадаги иш жойларини эгаллашган. Метрополитеннинг мураккаб ҳўжалигида навбатдаги иш кунини бошлайдиган дастлабки йўловчилар — Ўзбекистон пойтахтининг меҳнатқашларини кутиб олиш ҳамма нарса тайёр.

Тошкент ер ости трассасининг тўнғич бекати — «Собир Раҳимов» станцияси ўзининг орасталиги билан ярақлаб турибди. Бир неча дақиқадан кейин станцияга йўловчилар кириб келишади. Бир мунча вақт ўтиши билан, улар энг замонавий йўловчи транспортга чиқиб ўз йўналишлари бўйича йўл олишади. Метрополитен хизматчилари энг ҳаяжонли дамларни бошдан кечиришмоқда. Ниҳоят сафарга отланган биринчи йўловчи поездга оқ йўл тиланди.

Метронинг биринчи йўловчилари дил сўзларини кўйидагича ифода этишади.
 — Бугун ҳаётимда биринчи марта метрога юришим. «Ҳамза» бекатида вагонга ўтирдим. 12 дақиқада ишонамга етиб келдим. Олдинлари бу масофадаги йўлни ер усти транспортда ярим соатдан кўпроқ вақт ичида босиб ўтишга тўғри келарди.

— Метро энг қулай транспорт воситаси экан. Ишхонамга 18-йўналиш бўйлаб қатновчи трамвайда борар эдим. Бу транспортни кутуш ва ишхонамга етиб бориш учун камида 1 соатча вақт кетарди. Бугун бу масофани 14 дақиқада босиб ўтдим.

Бундай дил сўзларини кўплаб келтиришимиз мумкин. Бугун биз метро хусусида сўз юритар эканмиз, пойтахт аҳолиси учун ноёб бўлган бу янгликни қадам-бақадам ёритишга «Оқшом»нинг махсус муҳбирлари Абдуқодир Ниёзов, Виктор Энкер, Виктор Белоплотов, Мурод Абдуллаевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлагимиз келади.

Қарангки, яна бир янглик — «Оқшом» газеталари бош муҳаррир ўринбосарларининг янглиганиши ҳам шу йилларга тўғри келди. Олдинги бош муҳаррир ўринбосарлари Максим Каримов, Геннадий Емельянов бошқа ишга ўтишлари муносабати билан уларнинг ўрнини «Оқшом» газеталарида суяги қотган иқтидорли журналистлар Солиҳ Ёқубов ва Владимир Чеботинлар эгаллашди.

Бу янглиганиш албатта, газета саҳифаларига ҳам ўзига хос ўзгаришларни олиб кирди. Газеталарда таҳи бузилмаган рўнқлар пайдо бўлди. Мақолаларга янада жон кирди, танқидий чиқишлар кучайди. Хусусан, бундай чиқишлар ҳақида гап борганда газетанинг ўша йилнинг 11 ноябрь сониде эълон қилинган «Тўй—шаҳсий иш эмас» мақоласини келтиришимиз мумкин. У шундай сўзлар билан бошланади.

«Улкамизда тўй фасли давом этапти. Хосил тўйлари, меҳнат ғалабалари билан, бахт-саодат тўйлари байрам шодиёналари

билан уланиб кетаяпти. Ҳаммамиз бунга қувонамиз. Бу ҳам бахтиёрлигимиздан, турмушимизнинг тўкинчилигидан далолат. Халқимиз қадимдан тўй тантаналарини яхши кўради. Кексаларнинг «топан-тутганин» тўйларга буюрсин» дейишида катта ҳикмат бор. Шунинг учун ҳам хурсандчиликни, тўй томошаларини ҳамма хуш кўради. Лекин баъзан шундай тўйлар ҳам учраб қоладики, кишининг гаши келади. Ҳалол меҳнат билан, маош билан бунчалик катта тантаналар қилиш ақлга сиғмайдиган нарса эканлиги кўриниб туради. Афсуски кўнчилик бунга кўра-била туриб унга қарши курашмайди. Аксинча худди шундай тўйларни орзу қиладиган, «киройи тўй қилгандан кейин одамларнинг эсида қолсин-да» деб ҳисоблайдиган инсонлар ҳам йўқ эмас орамизда. Тўйларнинг кун сайин оғирлашиб кетаётганига, сарф-харажатларнинг ошиб

ди, танқид қилади», «Хатларингизни шарҳ-лаймиз», «Редакция почтасидан», «Ишчи жамоалари ҳаётидан» ва бошқа рўнқлар остида мунтазам равишда материаллар бериб боради.

«Тошкент метросининг иккинчи участкаси қурилишида», «Расомлар устaxonасида», «Экспонатлар хикоя қилади», «Табиат билан юзма-юз» ва бошқа рўнқлар остида ёритиладиган материаллар сизларда қизиқ уйғотиши шубҳасиз. Газетамизда қайтадан ташкил этилган спорт ва ҳарбий-вазирларлик тарбияси бўлимининг ўйланган режалари ҳам катта. Бундан буён тошкентликларнинг дам олишларини уюштириш, уларнинг бўш вақтларини ташкил этиш масалаларига бағишланган материалларга айниқса катта эътибор берилади.

Тахририятнинг биз юқориде изохлаган ижодий режалари «Оқшом»нинг янги йилдаги биринчи сони саҳифаларидан бошлаб ўз аксини топади. Хар доим бўлганидек, биз бу гал ҳам «Оқшом»нинг бош муҳбирлари бўлган сиз қадрли муаллифларимиз ва мухлисларимизни биз билан ҳамкорлик қилишга чорлаймиз».

Бизда хар қандай матбуот органига ҳақиқий баҳони газетхон беради, деган гап бор. Шу нуқтаи назардан муштарийларимизнинг тахририятимиз номига битилган ўша йилги мактубларидан сатрлар келтиришим лозим топдик.

— Ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Ўрта мактабда ўқиётган пайтимда «Тошкент оқшоми»да биринчи шёарим босилиб чиққанди,— деб ёзади шоира Умида Абдуазимова. — Ўшандан бери мен шу газетанинг мухлисиман. «Оқшом» фақат шундай ҳаётинингизга эмас, балки республикада рўй бераётган воқеаларни қамраб олиши билан ҳам ўқимишлидир.

— Газета аввалги йилларга нисбатан хотин-қизлар ҳаётини яхши ёритапти. Бир тақлифим бор, ҳозирги кунда кўнчилик аёлларнинг ўзларига яратилаётган энгиллик ва имтиёзларни яхши билишмайди. Уларга мунтазам маслаҳат бериб боришга мўлжалланган янги руҳ очилса айни мундоо бўларди, — деб мактубини яқунлайди муштарий Холита Қодирова.

— Умрим даладар қўйинида ўтапти,— деб ёзади Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида яшовчи Аҳмадқул Абдуллаев. — «Оқшом»нинг хар бир сонини интиқлик билан кутаман. Уни топган ҳаммаша ёнимда сақлаб юраман. Бўш вақт топдим дегунча мақолаларини қизиқиб билан ўқиб чиқаман. Айниқса дам олиш саҳифаларининг қизиқарли ва ўқимишли эканлиги менинг ушбу газетамга бўлган илхосимни янада оширади.

— Яқинда «Дунёни болаларга бергим келади» сарлавҳали мақолани ўқиб чиқдим. Ундан катта маънавий озиқа ва йўл-йўриқлар олдим. Бир илтимосим, газетамда болалар тарбияси, фарзандчилиги оиладаги бурчи ҳақида доимий рўнқ очилса нур устига нур бўларди, — деб ёзади Собир Раҳимов туманидаги 569-болалар богчаси тарбиячиси Шарифа Мирзааҳмедова.

Бундай илқ сатрлардан биз ҳам руҳланардик. Ишимизга янада масъулият билан ёндошиб, дилкаш мақолалар ёзиб, газетамизнинг янада ранг-баранг қилишига интилардик. Албатта, бўш вақтларимизни кўнчили ўтказишга, дам олишга, дўстона суҳбатлар қуришга, ҳазил-мутойибаларга ҳам вақт топардик. Баъзан эса ўртамазда бахслар ҳам бўлиб турарди. Уларнинг охири чойхонада 6-7 кишилик ош қилиш билан яқунланишимиз сезиб, ўртамазда бирор масала устида тортишув бўлиб қолса уни бир зумда баҳсага айлантириб юборар эдик. Эсимда Тўлқин, Солиҳ, Раҳматилла, Абдулла акалар билан тўшлик қилгани бош майдондаги бинога жойлашган «Тошкентбошқурилиш»нинг ошхонаси томон борардик. Бош майдоннинг этагида жойлашган фаввора атрофидан ўта туриб бахслашиб қолдик. Раҳматилла ака фаввора ўртасидаги йўлани кўрсатиб ўта сирпанчиқ бўлса керак, бу жойдан ҳеч ким юрди ўта олмайди, деб қолди. Шунда Абдулла ака дабдурдустан «Мен ўтаман» деди. Ўртага шу бугун кечқурун қилиш шарти билан чойхона палов тикилди. Абдулла Пўлатов айтганини қилди, ўртадан юриб ўтди. Раҳматилла ака ютқазди. Шундай қилиб биз баҳс иштирокчилари кечки пайт Пушкин (ҳозирги Абдулла Қодирий) богидеги сўлим чойхонага тўпландик.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Чинар сағоси

«ОҚШОМ»НИНГ
 ЎТГАН КУНЛАРИ
 ЎН ИККИНЧИ ҲИКОЯ

бораётганлигига ким айбдор? Баъзи ота-оналар ёшларга, ўз фарзандларига тахт яратмақ деб бахтдан жудо қилиб қўйишмаяптимики? Арзимаган латта-путталар деб қудалар орасида, демакки, ёш оиланинг ўзида ҳам совуқчилик туғилмаяптимики? Бундай саволлар кўндан буён одамларни ҳаяжонга солиб келади. Бу ҳақда эътиборли кишилар, олимлар, ёзувчилар ўз фикрларини ўртага ташлаша яхши бўларди. Тўғри бу муаммо ҳақида матбуотда, радио ва телевидениеда кўплаб бахслар бўлапти. Бирок тўй ва маъражадардаги ортиқча харажатлар, кераксиз дабдабалар камаяётгани йўқ. Бу ҳақда жамоатчиликнинг ўзи кўйиб, ёниб гапирарди. Негаки тўй шахсий иш эмас. У ҳам ижтимоий ҳаётимизнинг бир кўриниши.

Бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб турган бундай муаммоларга «Оқшом» газетаси эрта киришганлиги шундан ҳам кўриниб турибди. Газета ҳаммаша ҳаёт билан, бугунги кун билан қадам-бақадам бўлиб келди. Одамлар дилидаги гапларни ёритишга ҳаракат қилди. Даврнинг кескин муаммоларини ўртага ташлади. Бундай чиқишлар ҳисобига «Тахт бошқа, бахт бошқа», «Маршрутлардаги кўзга кўринмас нуқсонлар», «Қишини қандай кутиб олмақдасиз», «Ҳаммининг кўнглидаги гап», «Стадионлардан қандай фойдаланилмоқда» каби мақолаларни киритиш мумкин. Шу билан бирга газета Тошкентимизнинг обод ва гўзал бўлиши масаласига ҳам йиллар бўйи алоҳида эътибор билан қараб келди. Унинг саҳифаларини арақлаган киши «Оқшом» муҳбирлари Раҳматулла Фаёзуллаев ва Абдувоҳид Хатамовларнинг кўплаб бундай чиқишларининг шохиди бўлади.

Хар йил якуни ва бошланишида газета ўз мухлисларига ҳисобот бериб, янги йил режалари билан муштарийларни таништиришни ҳам анъангага айлантириб олганди. Албатта бундай дилкаш чиқиш ва юзма-юз мулоқотлар мухлислар билан «Оқшом»чиларнинг ижодий ҳамкорлигини янада кучайтиришга ёрдам берарди. Газетанинг ўша йил якунида муштарийларга қарата қилган мурожаатида қуйидаги илқ сатрларни ўқитишимиз мумкин.

«Азиз ўртоқлар! Янги 1978 йил бўсағасида турибмиз. Анъанана кўра, биз ана шундай кезларда сизларга — «Оқшом» мухлислари ва бош муҳбирларига газетамизнинг мазмуни ва унинг безағи тўғрисида, уни бундан ҳам сермазмун қилиш борасидаги ўз тақлиф ва мулоҳазаларинингизи билдиришимизни илтимос қилиб мурожаат этмоқдамиз. Яқунланаётган йилда газетамиз саҳифаларида «Зафарларимиз солномаси» ва бошқа рўнқлар остида мунтазам равишда ранг-баранг материаллар ёритилди. Хар ҳафтада сиз азиз мухлислардан келган мактублар бўйича «Бош муҳбиримиздан» деган саҳифалар чиқиб турди. «Тошкент оқшоми» справкалар бюроси», «Сўраган экансиз» сингари янги рўнқлар ҳамшаҳарларимизга жуда маъқул ва манзур бўлди.

Тахририятимиз бундан буён ҳам газета саҳифаларида сизлардан келган хатлар асосида «Газетхон хабар беради, тақлиф эта-

Шунақаси ҳам

бўлади

**«ТИТАН»
ДЎСТЛАРИМИЗГА
ЁРДАМ
БЕРМОҚДА**

Хозирги замон денгизида нефтни разведка қилуви платформалар бутун бир шаҳарчани эслатади.

Улар нефть қазиб олиш учунгина эмас, нефтчиларнинг навбатчилари дам олиши учун ҳам мўлжалланган. Руминиянинг бешта ана шундай денгиз шаҳарчаси Қора денгизда нефть қидирув ишларини олиб борапти. Аммо бундай платформалар бургилаш ишлари олиб бориладиган янги ерга ўз ҳолича кўчиб ўта олмайдди. Бунда руминиялик нефтчиларга «Титан-2» кемасининг экипажи ёрдам бермоқда. Ана шу кеманинг қудратли ўқи сув сатхи бўйлаб оғирлиги 600 тоннагача бўлган платформаларни кўтариш қувватига эга.

**КУТИЛМАГАН
НАТИЖА**

Мисрдаги қамқоҳоналардан бирининг қоровуллари телевизор орқали кўрсатилган футбол ўйинини катта қизиқиш билан кўзатганларидан сўнг икки маҳбус: италиялик ва мисрлик контрабандачи ғойиб бўлганини аниқлаб гоғтада таажубландилар.

«Иджихинг газет»нинг хабар қилишига қараганда уларнинг хонасига полиция офицерларининг кийим-боши келтириб берилган. Товламачилар ана шу кийимни кийиб, футбол учрашувини гоғтада берилиб томоша қилаётган мухлисларнинг шовқин-сурони остида, ҳеч кимнинг эътиборини жалб этмай, қамқоҳонадан чиқиб кетишган.

**МУЗЕЙЛАР,
КУТУБХОНАЛАР
КИМГА ХИЗМАТ
ҚИЛАДИ?**

Испаниядаги кутубхоналар ва музейлар халқнинг билим даражасини оширишга ҳеч қандай хизмат қилмаётганлиги таъкидланмоқда.

Хозирги кунда Испанияда яшаётган ўн тўрт ёшдан юқори 27 миллион аҳолидан 25 миллиони ҳеч қачон кутубхонага бормас экан. 84 фоиз катта ёшдаги испанияликлар эса бирор марта ҳам музейга, кўргазмаларга тушмаган.

**ЧИВИНЛАР
«ХУЖУМ»
ҚИЛИШМОҚДА**

Лондондаги Хитроу аэропортига чивин галалари «хужум» қилдилар. Улар ҳамма жойни, аэропортнинг ички хоналарини ҳам «забт» этишди. Чивинларга қарши олиб борилган ҳаракатлар эса беҳуда кетди. Бундан ғазабланган чивинлар эса йўловчиларни ва аэропорт хизматчиларини бетўхтов чақа бошлади. Ҳатто кўпчилик шифокорга мурожаат қилишга ҳам мажбур бўлди.



Матновлар

СЕН ТАРИХНИ БИЛАСАНМИ?

Ўзбекистон тарихи кўҳна ва навқирон, минг бир сиру синаотга бойдир. Ўтмишда аждоқларимиз Ватан, юрт озодлиги учун курашиб, эл тинчлиги, фаровонлиги йўлида ўз жонларини қурбон қилганлар. Мамлакатни янада обод ва кўркам қилиш учун эса турли иншоотлар, қорсу-ю, сардобалар, мадрасаю масжидлар бунёд этганлар.

Айни дамда шу кўҳна манбаларни чуқур ўрганиш ва уларни асраб-авайлаб кейинги авлодларга етказиш хозирги кун ёшларининг аждоқларга бўлган хурмат-эътироми белгиси бўлиб қолмай, улар олдидаги юксак бир вазифадир. Ўқувчи-ёшларнинг ўлкамиз тарихини қай даражада билишларини синаш, уларнинг билим доираларини кенгайтириш мақсадида турли кўрик-танловларнинг ташкил этилиши айни мудоаодир.

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги Тошкент банк коллежида «Сен тарихни била-

санми?» мавзусида билимдонлар танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда тўртта ўқув юрти — Собир Раҳимов тиббиёт коллежи, Собир Раҳимов академик лицейи, М.Турсунхўжаева номли тиббиёт коллежи ҳамда Тошкент политехника коллежи талабалари ўзаро баҳс юритишди. Ҳар бир ўқув юрти ушбу босқичга алоҳида ва пухта тайёргарлик кўргани тadbир давомида янада аққол кўзга ташланди.

Талабалар тўртта шарт бўйича беллашдилар. Танлов сўнггида Собир Раҳимов тибби-



ёт коллежи 27, Собир Раҳимов академик лицейи 27, политехника коллежи 24, М.Турсунхўжаева номли тиббиёт муваффақ бўлдилар. Қизиги шундаки, иккита ўқув юрти талабаларининг кучлари тенг келди. Ҳакамлар хайратига гоғлиб гуруҳни аниқлаш учун, ҳар иккала гуруҳдан 3 тадан иштирокчини танлаб олиб, кўшимча саволлар берди. Омадни қарангки, иккала гуруҳ яна бир хил очко тўплади. Ҳакамлар яна савол ташлашди. Яна бир хил аъло даражадаги кўрсаткич. Натижада эса шаҳар босқичида туман номини 2 та ўқув юрти химоя қиладиган бўлди. Булар Собир Раҳимов тиббиёт коллежининг «Афросиёб», Собир Раҳимов академик лицейининг «Адолат» гуруҳи иштирокчиларидир.

НИГОРА ХУСНИДДИН қизи, Собир Раҳимов тиббиёт коллежи талабаси

СУРАТЛАРДА: «Сен тарихни биласанми?» танловидан лавҳалар.

Маълим

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Маълумки, ҳар бир ёш қалбида мактабни битириши арафасида «Ким бўлсан экан?» деган савол кечади албатта. Фарзандларимизнинг ўзлари хоҳлаган ҳар бир соҳани танлаб, хунар ва билим эгаллашлари учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратилмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ҳамкорлигини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурида назарда тутилган узлуксиз таълимни амалга ошириш ҳамда умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг педагогик коллежларда таълим олишини таъминлаш шу куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўқувчиларни касб-хунар эгаллашга йўналтириш мақсадида яқинда Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежида «Очиқ эшиклар кунини» ўтказилди. Шу кунини коллежга алоҳидида аҳамият қузатиб бўйича таълим берилиши тўғрисида маълумот бериб келишмоқда. Шу боис кўп ўқувчиларда коллежмишда таълим олишга қизиқиш ортмоқда.

«Очиқ эшиклар кунини» тadbири сўнггида коллежнинг битирувчи ўқувчилари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

унумли ва самарали ўтказишлари учун коллежда турли йўналишларда тўғарақлар фаолият юритмоқда. Мактаб ўқувчилари ҳар бир тўғарақ дарслари билан, шунингдек мусика бўлими, жисмоний тарбия бўлимидаги дарс жараёнига иштирокчи бўлишга қизиқиб келишмоқда. Б.Исмоиловнинг қақриққача ёшларни тайёрлаш хонасидаги ҳамда руҳшунос Р.Мустаевнинг дарслари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек ўқувчилар ижтимоий ва табиий фанлар бўйича дарсларни ҳам қузатиб катта таассурот билан чиқишди.

—Очиқ эшиклар кунини ўтказишдан мақсад,— дейди коллеж директори Дилором Раҳимова,— мактабни битирувчи ўқувчиларни касб танлашга ихтиёрий йўналтириш, уларни келгусида касб-хунар ўрганиб чуқур билим эгаллашлари учун имкон яратишдан иборат. Ўтган йил декабрь ойидан бошлаб ўқитувчиларимиз шахримиздаги мактабларга бориб 9-синф ўқувчиларига коллежмишда таълим олишга қизиқиш бўйича таълим берилиши тўғрисида маълумот бериб келишмоқда. Шу боис кўп ўқувчиларда коллежмишда таълим олишга қизиқиш ортмоқда.

«Очиқ эшиклар кунини» тadbири сўнггида коллежнинг битирувчи ўқувчилари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Дилором ИКРОМОВА

**КИТОБ
МАРАФОНИ
ДАВОМ
ЭТМОҚДА**

Мамлакатимизда китоб марафони давом этмоқда. «Мактаб-кутубхона — оила-жамоат ташкилотлари» шiori остида ўтказилаётган бу хайрия тadbири жараёни туфайли жойларда кўплаб қизиқарли адабиётлар йиғилмоқда.

Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари кутубхоналари ҳам янги китоблар билан бойимокда. Олинган маълумотларга қараганда шаҳар бўйича 4 минг нусхадан ортқ бадий китоб йиғилди. Шунинг ҳам мамнуният билан айтиш жоизки, шу ўтган қисқа вақт ичида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари кутубхоналарига ҳам кўплаб бадий, илмий-оммабоп адабиётлар тортиқ қилинди.

Марафон давомида яна талайгина нашрлар йиғилиб, мактаб кутубхоналарига тарқатилди.

Акбар АЛИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
республика бирлашмаси

Тошжанбой Заамбергуев номидagi Тошкент Давлат цирки

2005 йил 18 мартдан
Диққат! Диққат!
КУТИЛМАГАН ВОКЕА
Тошкент Давлат циркида
ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ
транзит йўли асосида жаҳонда ягона
РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ

18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг!
Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.
Жума, шанба, якшанбада
Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз.
Келганингиздан афсусланмайсиз!!!
Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очил.

Маълумотлар учун телефонлар:
144-35-91; 144-29-04, 144-32-23.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тadbиркорлар
ДИҚҚАТГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:
133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГА

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-21-56.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Спорт

**СЕРТИФИКАТЛАР
ТОПШИРИЛДИ**

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси ҳамда Республика стол теннис федерацияси томонидан Халқаро Олимпия кўмитаси васийлигида мураббий ва ҳакамларимизнинг малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган беш кунлик ўқув-семинар курси якунига етди.

Шуниси эътиборга лойиқки, машгулотларни Халқаро Олимпия кўмитаси эксперти, тажрибали мутахассис Роман Плеше олиб борди. У ўқув-семинар курси давомида спортнинг стол теннис турида база техникаси, стол теннис бўйича мусобақалар қоидаси ва уни ташкил этиш йўналишлари бўйича қатнашчиларга пухта билим-кўникмалар берди. Шунингдек, жаноб Плеше бошчилигида олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида спортчиларни мусобақаларга техник ва тактик жиҳатдан тайёрлаш юзасидан амалий машгулотлар ҳам ўтказилди.

Семинарда билим-маҳоратларини оширган мамлакатимизнинг 29 нафар мураббий ва ҳакамларига халқаро сертификатлар топширилди.

**КУМУШ
НИШОНГА
УМИД БОРМИ?**

Шаҳримиздаги Марказий офицерлар уйи спорт залида баскетбол бўйича олий лига аёллар жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг учинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Кутилганидек, Тошкентда ўтказилган тур учрашувлари турнир жадвалида карвонбошиқ килаётган Навоийнинг "Ника" жамоаси мавқеининг янада мустаҳкамланиши учун кенг йўл очди. Яъни "Ника" учинчи турда ўзаро куч синашган барча рақибларини биринкетин енггани ҳолда 30 очко тўплади ва мамлакат чемпионлиги учун ягона даъвогарга айланди. Шу ўринда "Ника"нинг чемпионат бошидан бўён ҳали бирорта ҳам очко йўқотмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хозирча Бухорининг "Университет" жамоаси иккинчи ўринни банд этиб турибди. Қизғин шундаки, учинчи тур давомида чемпионатда иккинчи ўринга даъвогарлик қилаётган икки жамоа — "Университет" ҳамда шаҳримизнинг Тошкент Давлат техника университети командалари ўзаро баҳс юритишида ва учрашув натижаси кўп жиҳатдан кумуш нишонлар тақдирини ҳал этди, десак адашмаймиз. Ушбу кескин баҳсда "Университет" 70:68 ҳисобида рақибдан устун келди ва иккинчи ўринда мустаҳкамланди олди.

Шаҳримизнинг яна бир жамоаси — "Ёшлик" турнир жадвалида бешинчи ўринда бормоқда.

Сўнгги тўртинчи тур учрашувлари кейинги ойда Навоий вилоятида бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

Жорий йилимизнинг "Сихат-саломатлик йили" деб номланиши тиббиёт ходимлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар кўйса, ҳар бир инсоннинг ўз соғлиғига эътибор қаратишига омил бўлди десак хато қилмаган бўламиз. "Сихат-саломатлик йили" давлат дастури ижроси йўлида ўтказилаётган турли спорт мусобақалари, тадбир, танлов ва қизиқарли учрашувлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, албатта.



2005 — Сихат-саломатлик йили

СОҒЛОМ АВЛОД — ДОНО АВЛОД

Хусусан кунни кеча 2-Тошкент давлат тиббиёт институти — Шифокорлар шаҳарчасида "Соғлом авлод — доно авлод" шiori остида бўлиб ўтган "Спорт эстафетаси" марафони ҳам "Сихат-саломатлик йили"га бағишланди. 60 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этган, кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган ушбу марафонни институт проректори, профессор Шерзод Зокир-ўжаев очар экан барча йиғилганларни саломатлик байрами билан қўллаб, Президентимиз ташаббуслари билан жорий йилимизнинг "Сихат-саломатлик йили" деб номланиши ҳар бир тиббиёт ходими олдида катта вазифалар кўйгани, соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз мезонига айланиши лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

"Сихат-саломатлик йили"га бағишлаб ўтказилган ушбу мусобақадан хайрли мақсадларни кўзлаганимиз, — дейди биз билан сўхбатда тиббиёт фанлари доктори, профессор Уткир Миршаропов. — Яъни талаба-ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишлари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, уларни чекиш, ичиш, гиёвандлик каби умр заволи бўлган иллатлардан нари бўлишларига ҳисса қўшишдир. Институтимиз ҳудудини чекишдан ҳоли зона деб катта-кичикининг саломатлигини сақлашга чакирган бўлсак, турли спорт мусобақаларини ўтказиб жисмонан бақувват бўлиш, ҳар ким ўз соғлиғи ҳақида қайғуриши кераклигига имкон яратмоқдамиз.

Мусобақани институт ректори Шавкат Каримов бошчилигидаги профессор-ўқитувчилар бошлаб бериши. 2,5 километрик масо-

ҳақли. Ниҳоят ҳудди шундай бўлди, бутун жамоа голиб деб эълон қилинди, лекин айнаваный тарзда ўринлар ҳам берилганиги боис



фани қатнашчилар 10 та босқинда, яъни ҳар 250 метрда байроқчани кейинги қатнашига топширган ҳолда босиб ўтдилар. Томошабинларнинг шодон қийқириқлари, руҳлантиришлари билан тадбир янада кўтаринки руҳ билан ўтди. Маррага биринчи бўлиб етиб келган қатнашчилар гулдурас қарсақлар билан олқишланди.

Мусобақани синчковлик билан кузатиб турган ҳакамлар ҳайъати учун голибларни аниқлаш осон бўлмади. Хажжонга, қувончу-шодликка бой тарзда ўтган бундай мусобақадан қатнашчиларнинг барчаси голибликка даъвогар бўлишга

даволаш факультети биринчи ўринни забт этганлиги, тиббиёт-педагогика факультети иккинчи ўринни, тиббий-профилактика факультети учинчи ўринни қўлга киритганлиги айтиб ўтилди. Голибларга кубок ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. 18 нафар талаба-ёшлар ва барча мусобақа қатнашчилари турли номинациялар бўйича жамоат ташиқлотлари томонидан совғалар билан тақдирланди.

Биз бир гуруҳ мусобақа қатнашчиларини сўхбатга тордик. — Инсон саломатлигига муҳим омил бўлиб қўшиладиган бундай

мусобақаларни тез-тез ўтказиб туриш лозимлигини бугун яна бир бор ҳис қилдик, — дейди институт гистология факультети доценти Муҳаммад Раҳматов. — Катталарнинг ёшларга ибрати жуда мароқли бўлар экан. Саломатлик эстафетаси ҳар бир одам ўз саломатлигини назорат қилиши муҳимлигини ҳам тушунишга тўртки бўлди десам хато бўлмайди.

— Ҳақиқий спорт байрамини ўтказганимизни қўришининг ўзи мароқли, — дейди доя ва гинекология кафедраси профессори Нарғиза Мағзумова. — Асосийси, мусобақада ўрин олиш эмас, муҳими устозларнинг талабаларга ўрнак бўлиб бир сафда туришлари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишларидир. Токи ҳар бир одам спортнинг саломатлик гарови эканлигини тушуниб етишидир.

Шўх мусика, ўйин-кулгу билан якунига етган мусобақа ишонимчи узоқ вақт талаба-ёшлар хотирасида сақланиб қолади. Институт ректори Шавкат Каримовнинг таъкидлашича ҳали олдинда бундай мусобақаларнинг яна қанчаси турибди. "Сихат-саломатлик йили" давлат дастури ижроси йўлидаги ҳар бир қадам, ҳар бир қилинаётган иш энг олий зот-инсон соғлиғи-саломатлиги, ўсиб келаётган ёшларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари йўлидир.

Шоира МУХАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: "Спорт эстафетаси" тадбиридан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

Ҷўрмол

**ПОЙТАХТ
ЖАМОАЛАРИНИНГ
МУВАФФАҚИЯТИ**

КЕЧА
олий лига жамоалари ўртасида уч кундан бери давом этаётган мамлакат XIV миллий чемпионатининг учинчи тур беллашувлари ниҳоясига етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу тур баҳслари шаҳримиз шарафини химоя қилаётган жамоаларга яна омад келтирди.

Биласизми?

РАКНИНГ ДАВОСИ ТОПИЛДИМИ?

Кўпгина ривожланган мамлакатларда рак туфайли содир бўладиган ўлим кўрсаткичлари юқори ўрин эгаллайди. Ракнинг ошқозон ичак, енгил кўрниншлари асосий ўлимга олиб келувчи турлардир.

Уорика молекуляр институтининг олими Стелла Пеленгароининг таъкидлашича хавфли ўсманнинг пайдо бўлиш сабаблари унчалик мураккаб жараён эмас. У сичқонлар устида ўтказилган тажрибаларга асосланиб рақнинг энг самарали усули бу рақ ҳужайра-

ларини ўзини-ўзи нобуд қилишга мажбур қилиш деб тақлиф билдирмоқда. Олим биохимиклар билан ҳамкорликда махсус восита яратди. Бу восита касалланган аъзога юборилади. Бунинг натижасида ўсма ҳужайралар ўзини нобуд қилувчи фермент ишлаб чиқаради.

Стелланинг фикрича бу энг хавфсиз ва самарали усулдир. Агар восита биз кутган натижалар берса, у ҳолда у онкология соҳасида туб бурилиш яшаси мумкин экан.

Дилноза ЭГАМКУЛОВА



Изоҳга ҳоҳшат йўқ.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар —
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибкоб, оддет
узунли босилди.
3868 нускада босилди. Қўғо бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтамти»га — 133-74-05 телефонига мувожаат
қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси босмоқдонди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.